



Антиохиянинг кулаши (1268 й.)

«Салиб юришлари катнашчиларининг ворислари учун энг катта мусибат Антиохиянинг кулаши бўлди». Жозеф-Франсуа Мишо «Салиб юришлари тарихи»
666-хижрий йилнинг рамазон ойи 4-санасида (1268 йил 18 май) Миср султони Бейбарснинг кўшини Антиохияни қўлга олиб, шаҳарни 170 йиллик насронийлар ҳукмронлигидан озод қилди. Бу тадбирнинг аҳамияти нафакат Антиохия Шом ва Туркия ҳудудида 1-салиб юриши даврида салибчилар асос солган насроний давлатлардан иккинчисининг пойтахти эканлиги, балки Яқин Шарқдаги насронийларнинг энг муҳим (Қуддусдан кейин) диний маркази эканлигида ҳам эди. Жумладан, 1100 йилда салибчилар бу ерда 168 йил давом этган Антиохия патриархатини туздилар. "Шарқ

пойтахти" деб аталган Антиохиянинг кулаши салибчилар ворисларининг мусулмон ерларидан якуний чикариб юборилишига дебоचा бўлди: 1287 йилда улар Триполини йўқотдилар, 1291 йилда эса кўп жафо тортган Акра - салибчиларнинг сўнгги Фаластиндаги таянчи кулади.

Антиохияни озод қилиш тарихи

Антиохия салибчилар томонидан 1098 йилда босиб олинганидан сўнг Боэмунд I Тарентский Антиохия князлигига асос солади. XII аср бошида князлик Византиянинг вассали эди, 1119 йилдан бошлаб эса – Куддус киролигига вассал бўлди. Князлик таркибига замонавий Суриянинг Ўрта ер денгизи соҳили билан Евфрат дарёси оралигида жойлашган худуд кирган, XII аср бошларида унинг таркибига Киликия (замонавий Туркиянинг жанубий-шарқий қисми) ва Суриянинг шимолий-ғарбий қисми ҳам кирарди. Князликнинг асосий аҳолисини православ греклар, арманлар ва Антиохияда кўним топган, келиб чиқиши Нормандия ва жанубий Италиядан бўлган салибчилар ташкил қиларди.

Якин Шарқда ўз мустамлакаларини йўқотишнинг олдини олиш мақсадида насронийлар мусулмонларга душман бўлган турли кучлар билан иттифок қилиш имкониятини кўлдан бой бермадилар. XIII асрда уларнинг кудратли иттифокчиси - мўғуллар бор эди. Аббосийлар халифалиги билан мўғуллар ўртасида бошланган тўқнашувда Антиохия мўғуллар тарафида эди, ҳатто мўғуллар билан вассаллик иттифоқи ҳам тузган. Бундан ташқари, 1254 йил арман маликаси Сибиллага уйланиб, Антиохия шахзодаси Боэмунд VI арманларни ўз томонига тортди.

Бирок Боэмунд VI ўз ҳисоб-китобларида ҳато қилганди. 1258 йил Бағдоднинг мўғуллар томонидан босиб олиниши ва аббосийлар халифалиги қулагандан кейин, мамлук султонлар томонидан бошқарилган Миср ислом дунёсининг таянчига айланади. Мамлуклар ажойиб жангчилар эди ва Мисрни ташқи душмандан муваффақиятли ҳимоя қиларди. Улар мўғулларнинг Миср чегараларига чиқишига йўл қўймадилар ва Кохирани Хулагу кўшинлари томонидан қашатилган Сурия шаҳарлари тақдиридан қутқардилар. Бундан ташқари, айнан Миср султони Кутуз ва амир Бейбарс икки йил ўтиб, машҳур Айн Жалут (1260) жангида Хон Хулагу аскарларини тўхтатиб, мўғулларга биринчи мағлубиятни етказишга муваффақ бўлган. Хулагу мағлубияти натижасида мўғулларнинг вассали бўлган Антиохия янги сайланган Мамлуклар султони - Байбарс томонидан ҳавф остига қўйилди.

Султон аз-Захир Рукн ад-дин Бейбарс I ал-Бундукдарий (1260–1277) Сурия ва Мисрни бирлаштира олди. У катъий давлат бошқарув тизимини йўлга қўйди, бир қатор истехкомларни қайта қурди, омборларни қурол-яроғ ва ўқ-дори билан тўлдирди, катта флот ташкил қилди, мунтазам почта алоқасини йўлга қўйди. Шундан кейин у бор қучини салибчиларга қарши қаратди. Дастлаб улардан Кесарияни (1265), сўнгра Яффани (1268) озод қилди. Бирок унинг асосий мақсади мўғуллар иттифокчиси – Антиохия князлигини тор-мор қилиш эди.

Антиохиянинг кулаши

1268 йил 7 март куни Бейбарс Яффани салибчилардан тозалади, сўнгра ўн кунлик камалдан кейин тамплиерларнинг Бофор калъасини олди. Май ойининг бошларида Миср кўшинлари Триполи атрофини вайрон қилиб, Хомсга ва ундан кейин Хамга йўл олди. Бейбарс ўзининг асл режаларини хаттоки мамлук кўмондонлари олдида ҳам очмасди. Хамда у салибчилар навбатдаги зарба йўналишини олдиндан топа олмаслиги учун кўшинни уч қисмга бўлди. Бир қисмини Суваййдияга, Антиохияда салибиларнинг денгизга чиқиш йўлларини ёпиш учун Оронта дарёсининг қуйилиш жойига юборди. Кўшиннинг иккинчи қисми Киликия ва Шом ўртасидаги ўтиш йўлларини ёпиш ва арманларнинг салибчиларга ёрдамга келишига йўл қўймаслик учун шимолга юборди. Асосий кучларни эса Бейбарс ўзи бошқарди ва дархол Антиохияга йўл олди. Шу йил Рамазон ойининг арафасида у Антиохия деворлари остида эди, 1-санадан эса камални бошлади. Князь Боэмунд VI уларга ёрдамга келишига ишончи қомил бўлган химоачилар шаҳарни топширишни рад қилишди. Лекин бу пайт князь Триполида бўлиб, унинг пойтахти камал қилинганидан беҳабар эди. Бейбарснинг режаси иш берди: у ўз режалари ҳақида душманни зулматда қолдириб, уни алдашга муваффақ бўлди. Кейинги воқеалар ҳақида Бейбарснинг ўзи энг яхши гапириб бериши мумкин. Антиохия қўлга олиниши билан Миср султони Боэмунд VI га ёзган ноёб хат хозиргача сақланиб қолган (қисқартмалар билан келтирилади).

Бейбарснинг Триполи графи Боэмундга мактуби (ибн Абд аз-Захир тарихий асаридан парча)

“Граф, насронийлар раҳбари, эндиликда у факат оддий граф унвони билан қаноатланишига тўғри келади – Худо уни тўғри йўлга ҳидоят қилсин, унга яхшиликка амал қилиб, яхши маслахат ҳазинасига ишониб топширишни ўргатсин – у Триполига қарши қандай ҳаракат қилганимизни ва унинг ҳукмронлигининг қалбини вайрон қилганини аллақачон билади...

Қандай қилиб биз чекингандан кейин бирдан шаҳрингиз Антиохия олдида пайдо бўлиб қолганимизни биласан, бу пайтда сен бизни кетганимиз ҳақида ўйлашга ҳам журъат этолмасдинг; лекин агар биз кетган бўлсак, шубҳасиз, биз бир марта оёқ қўйган жойга қайтамиз!

Энди эса, сени тўлиқ мағлуб бўлганинг ҳақида хабардор қилиш учун рўй берган воқеалар ҳақида: биз шаббон ойининг 24-санасида сендан узоқлашдик ва муқаддас рамазон ойининг 1-санасидан Антиохияни камал қила бошладик. Биз шаҳар олдини эгаллаб турганимизда сенинг кўшинларинг биз билан жнга қуч синашиб қўриш учун ташқарига чиқди; улар бир-бирига ёрдам берса-да, галаба қозонолмади: асирлар орасида қоннетабль ҳам бор эди (ўрта асрларда Француз қироллигида энг олий ҳарбий лавозим). У сенинг эркакларинг билан гаплашиш учун руҳсат сўради, шаҳарга қирди, роҳиблар ва олий фуқаро гуруҳи билан қайтиб келди, улар биз билан гаплашди. Бироқ биз улар сенинг маслахатинг таъсири остида эканлигини, эзгуликда бирлашмагани, лекин ёвузликда фикрдош эканлигини, ҳалокатли режаларга қасддан интилишини кўрдик. Уларнинг тақдири узил-қесил белгилангани ва Худо томонидан белгилаб қўйилган

ўлимни кўриб, биз уларни куйидаги сўзлар билан кўйиб юбордик: "Биз хозирок сизни камал килишга киришамиз - бу биз сизга берадиган биринчи ва охирги огохлантириш хисобланади." Улар ортга қайтиб, сен ўз отликларинг ва пиёдаларинг билан уларга ёрдамга келишингга ишончи комил бўлгандай ҳаракат қилишди. Бирок киска вақт ичида маршал умидсизликка тушиб, роҳибларни ваҳима қамраб олди, қастеллан ҳам-андухдан хушсиз йиқилди ва уларга ҳар томондан ўлим тушди. Биз муқаддас рамазон ойининг 4-санаси, якшанба куни соат тўртда шаҳарни ҳужум қилиб олди ва сен уни [шаҳарни] ҳимоя қилиш ва муҳофаа қилиш учун танлаган кишиларни даҳшатга солдик. Уларнинг орасида айрим бойликларга эгалик қилмайдиган ҳеч ким йўқ эди: бугун орамизда улардан ва уларнинг бойликларидан бирига эгалик қилмайдиган ҳеч ким йўқ. Сен отларнинг туёқлари остида чўзилиб ётган рицарларингни, қароқчилар бостириб қирган ва талончилар томонидан вайрон қилинган уйларни; икки юз килолаб ўлчанадиган ҳазиналарингни; тўртталаб сотиладиган ва сенинг пулларингга бир динорга сотиб олинадиган ҳонимларни кўришинг керак эди!

Хочлари сугуриб ташланган черковларингни, варақалари йиртиб олинган нотўғри Инжилни, патриархларнинг қавлаб ташланган қабрларини кўрганингда эди! Ўз душманингни, ибодат жойини оёқ ости қилиб тепкилаётган мусулмонни, роҳиблар, руҳонийлар ва дьяконлар меҳробда жон берганини, патриархлар қутилмаган бебаҳтликдан ҳайратда қолгани ва шахзодалар қулликка олиб кетилганини кўрганингда эди. Саройларинг олов ичида қолганини, нариги дунё оловининг олдида ўликларинг бу дунёнинг оловида ёнганини, саройларинг қанчалик таниб бўлмас даражага келиб қолгани, авлиё Павел ва Қусьян черковлари вайрон қилинганини кўрганингда эди! Агар сен буларнинг барини ўз кўзларинг билан кўрганингда эди, «Бундай мазмундаги хабар битилган мактуб олгандан кўра ҳок бўлганим яхши эди» деган бўлардинг. Жонинг ҳамдан озод бўлар, [ва] у ердаги ёнгинларни кўз ёшинг билан ўчиради эдинг. Агар сен барча бойликларингдан маҳрум бўлган қароргоҳларингни, Сувайдияга етказилган арава ва кемаларингдан маҳрум бўлганингни кўп эшқакли кемаларинг (душманларинг кўлида) сенга душман бўлиб қолганини кўрганингда эди, у ҳолда сенга Антиохияни берган Худо уни қайтариб олгани, қалъаларингни берган Раббий сендан тортиб олиб, уларни ер юзидан йўқ қилганига амин бўлардингиз. Энди эса биласанки – Худога шуқур – сен олган Ислом қалъалари, Дарқуш, Шакиф, Қафар, Дуббин ва Антиохия ҳудудидаги барча мол-мулкларинг сендан олинади; биз ҳамма жойда халқингизни қасрлардан тушишга мажбур қилганмиз, [ва] вазиятдан фойдаланиб, уларни ҳамма жойга тарқатиб юбордик...

Бу мактуб сен учун хушхабарга эга, сен қолган ва Худо сенга узок умр берган, чунки мана шу пайт сен Антиохияда эмас, бошқа жойда бўлдинг. Агар бунда бўлмаганида эди, ҳозир сен ҳалок бўлган, асир олинган, яраланган ёки бошқа бир муносабатга лойиқ қўрилган бўлардинг. Омон қолиш, ҳаётини сақлаб қолиш – ўлим олдида ҳар қимса унга рози бўлади. Қим бўлади, Аллоҳ сени Унга итоат қилишда ва хизматларингни бажаришда етишмаётган нарсаларни тўлдириш учун қолдиргандир? Тирик қолганлардан ҳеч бири сени ҳабардор қилиш учун қелмагани боис, биз сени ҳабардор қиламиз ва ҳеч қим бошқа ҳамма нарсани йўқотган ҳолда ҳаётингни қутқарганинг ҳақида хушхабарни қелтира олмагани боис, сен воқеа ҳақида, қандай содир бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишинг учун биз буни сенга ушбу хабар билан етказдик. Ушбу мактубдан сўнг сенга биз томонимиздан нотўғри хабар берилгани ҳақида шикоят қилиш учун ҳеч қандай сабаб бўлмайди ва бу мактуб юборилганидан сўнг, бошқа бирор нарса [нима

содир бўлгани хакида] айтиб беришни сўраш керак эмас."

Жавоб хатида Боэмунд сулх хакида сўрайди ва Триполи шахрида сулх тузилади, бунда Бейбарс ўз элчиси никобида шахарга кириб келади ва у ердаги мудофаа иншоотларини кўзда кечиради. Кейинрок Дамашкка Бейбарс хузурига Акрадан келган элчи билан ўн йилга тинчли битими имзоланади. Тамплиерлар, Антиохиядан шимолда Антиохия шимолидаги Баграс калъасини химоя кила олмай, уни бузиб ташлашди. Шундай килиб, Шимолий Сурия насронийлар учун абадий йўкотилди.

Абу Муслим таржимаси